




СИЁСИЙ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ ТУС ОЛГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 декабрь куни Корея Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари парламентлари раҳбарларининг учинчи учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери У Вон Шик бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Корея Республикаси Президентини Ли Чжэ Мённинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклики, жумладан, парламентлар ҳамкорлиги орқали янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий ва парламентлараро алоқалар жадал тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ҳамда Кореядан, биринчи навбатда, иқтисодий модернизация қилиш ва юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг сони ортиб бормоқда.

Гуманитар ва таълим алмашинувлари кенгаймоқда. Ўзбекистонда Корея етакчи университетларнинг тўртта филиали, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларидаги профессионал таълим марказлари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, нодир металллар ва ўта муҳим хомашёни қайта ишлаш, шунингдек, қонуни ижодкорлиги фаолиятини рақамлаштириш ва бошқарувда илгор ечимларни жорий этиш бўйича кооперация лойиҳаларини амалга ошириш қўллаб-қувватланди.

Парламентлараро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда парламентлардаги “дўстлик гуруҳлари” ишини фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди. Ўзбекистон олий даражадаги, жумладан, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити доирасидаги тадбирларнинг кун тартибини пухта тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЯПОНИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Токио шаҳрида Япония Императори Нарухито, Бош вазир Санаэ Такаичи, Парламент раҳбарияти, ҳукумат аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари ва етакчи университетлар ректорлари билан учрашувлар ва музокаралар ўтказиш режалаштирилган.

Кун тартибидан Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Ишбилармонлик дастури доирасида Япониянинг йирик компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги учрашувлар ва тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлики кенгайтириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини

илгари суриш масалалари атрофида муҳокама қилинади. Икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти давлат раҳбарларининг биринчи саммитида иштирок этади. Тадбир доирасида “яшил” иқтисодиёт ва барқарор тараққиёт, ўзаро боғлиқлик ва минтақавий шериклики мустаҳкамлаш ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш каби устувор соҳаларда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинади.

Саммит якунлари бўйича Токио декларациясини қабул қилиш режалаштирилган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЧЕГАРАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади ҳамда “Марказий Осиё+Япония” мулоқотининг олий даражадаги саммитида иштирок этади.



1992 йил 26 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бугунги кунга қадар, ҳавфсизлик, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, таълим, маданият, туризм ва минтақавий шаклларидаги кенг қўламли ҳамкорлики йўлга қўйилмоқда.

Давоми 2-бетда

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев фуқаро ва тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш масалаларига оид тақдимот билан танишди.

Жорий йилда ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган Конституциявий суд фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар бажарилди. Жумладан, 2021 йилда Конституциявий суд тўғрисидаги қонун янги тахрирда қабул қилиниб, самарали конституциявий назорат тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Конституциявий суд ўз ваколатларини тўлақонли амалга ошириш таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, мазкур йўналишдаги ишловларни янги босқичга олиб чиқиш тақозо этилмоқда.

Тақдимотда бу борадаги тақлифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, Конституциявий суд томонидан ҳар йили мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича тақдимот этиб бериладиган таклиф ва тавсияларни амалга оширишнинг самарадорлиги оширилади.

Бунда Конституциявий суд томонидан фуқаро ва тадбиркорларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартиб-таомиллари мақбуллаштирилади, сансалорликлар бартараф этилади.

Шунингдек, “конституциявий шикоят” институти самарадорлигини ошириш ва муносабат этивчиларнинг суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд ишида қўлланилган қонун Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда тегишли суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш таклиф қилинди.

Тақдимотда Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш орқали аҳолига қулайлик яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, Конституциявий суд мажлисларида масофадан онлайн тарзда иштирок этиш, суд мажлисларини интернет орқали трансляция қилиб бориш, вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинувлари йўлга қўйиш режалаштирилган.

Конституциявий суднинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, хорижий мамлакатларнинг конституциявий судлари билан ҳамкорлики мустаҳкамлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Суднинг Осиё конституциявий судлари ассоциациясига раислиги доирасида

мамлакатимизда ва хорижда қатор халқаро тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Одил судловни таъминлаш оид бошқа масалалар, хусусан, иқтисодий ва маъмурий судларни аҳоли ҳамда тадбиркорларга янада яқинлаштириш ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, ушбу судларга мурожаат қилишда экстерриториал судловга тегишлиликни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ҳал қилиш ташаббус иллари сурилди.

Президентимиз таклифларни қўллаб-қувватлаб, уларни сифатли ва тизимли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

ҲУДУДЛАРДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудларда комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кенгайтириш ҳамда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган таклифлар билан танишди.

Камбағал ҳамда камбағалликка тушиш хавфи бўлган оилаларни аниқлаш, уларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматларни ягона тизим асосида аҳолининг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш йўналишидаги ишлар кўриб чиқилди.

Ўтган даврда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри доирасида 1,8 миллион оиланинг ижтимоий ҳолати баҳоланиб, 739 минг оила, шу жумладан, камбағал ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилалар реестрга киритилди. Уларга нафақа ва моддий ёрдамлар тайинланди.

Эндиликда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ҳамда Камбағал оилалар реестри негизда Ижтимоий реестр юритилади ва унда оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб алоҳида тоифаларга — давлат таъминотидаги оилалар, камбағал оилалар ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилаларга ажратилади, ҳар бир тоифага мос ёрдам ва хизматлар кўрсатилади.

Эндиликда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ҳамда Камбағал оилалар реестри негизда Ижтимоий реестр юритилади ва унда оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб алоҳида тоифаларга — давлат таъминотидаги оилалар, камбағал оилалар ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилаларга ажратилади, ҳар бир тоифага мос ёрдам ва хизматлар кўрсатилади.

Хусусан, айрим тоифадаги имконияти чекланган оилалар учун бандлик талаб этмаган ҳолда ижтимоий ёрдамлар бериш тизими йўлга қўйилди, “маҳалла еттилиги”га меҳнат қилиш

имконияти чекланган ва оғир ҳаётини вазиятдаги оилаларни Ижтимоий реестрга киритиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, реестрга киритилган оилаларнинг даромадини ошириш, соғлиқни сақлаш, бандлик, уй-жой ва бошқа йўналишларда ижтимоий хизматлар кўрсатиш, меҳнатга лаёқатли аъзоларни бандликка жалб қилиш ҳамда тадбиркорликка йўналтириш чоралари кўрилади.

Ҳудудларда эҳтиёжманд аҳолига комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатишни кенгайтириш мақсадида ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилди. 2026-2027 йилларда 20 та шундай марказларни ташкил этиш режалаштирилган. Марказларда қараб туриш, парваририш, абилитация, реабилитация ва таълим билан боғлиқ комплекс хизматлар кўрсатилади.

Марказлар орқали ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парвариришга муҳтож фуқаролар ҳамда ёлғиз шахсларни қамраб олиш, кундузи хизматлар ҳисобига уларнинг ижтимоий муассасаларга доимий жойлаштирилишини қисқартриш кўзда тутилган.

Шунингдек, хизматлардан фойдаланиш жараёнларини рақамлаштириш, электрон йўналтамаларни жорий этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар мониторингини таъминлаш белгиланган.

Президентимизга 2026-2030 йилларда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган стратегия тўғрисида ахборот берилди.

Стратегия болалар учун зўравонликдан ҳоли муҳит яратиш, зўравонлик хавфи остидаги болаларни барвақт аниқлаш ҳамда жабранувчи ёки гувоҳ бўлган болаларга комплекс хизматлар кўрсатишни асосий мақсад қилиб олган.

Мазкур ҳужжат доирасида болаларга нисбатан ёндашувга асосланган кичик ҳажмли, очик форматдаги марказлар фаолиятини йўлга қўйиш, ҳар бир бола бўйича индивидуал иш режаларини шакллантириш ҳамда боланинг таълим олиши ва жамиятга интеграция қилинишига қаратилган чоралар назарда тутилган.

Стратегияда болалар билан ишлашда ижтимоий ёндашувга асосланган кичик ҳажмли, очик форматдаги марказлар фаолиятини йўлга қўйиш, ҳар бир бола бўйича индивидуал иш режаларини шакллантириш ҳамда боланинг таълим олиши ва жамиятга интеграция қилинишига қаратилган чоралар назарда тутилган.

Шунингдек, болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида процессуал ҳаракатларда болалар манфаатларини кафолатлаш, болалар билан ишлайдиган мутахассисларни махсус тайёргарликдан ўтказиш ҳамда бола-

ларга оид ишларда идоралараро ҳамкорликини кучайтириш вазифалари белгиланган.

Стратегия доирасида ижтимоий хавфи болаларни таълим билан қамраб олиш имкониятларини кенгайтириш, муқобил жойлаштириш механизмларини ривожлантириш, касбга йўналтириш ҳамда болаларни жамиятга мослаштиришга қаратилган чоралар кўзда тутилган.

Оилалар билан ишлаш йўналишида эса болага нисбатан зўравонлик хавфини камайтириш, ота-оналарни қўллаб-қувватлаш, психологик ва ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги маълумотларни ягона электрон платформа асосида юритиш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича ягона ҳисоб ва мониторинг тизимини жорий этиш стратегиянинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Президентимиз мазкур вазифаларни амалга оширишда ижтимоий ҳимоя ва болаларни ҳимоя қилиш соҳаларида тизимли ёндашувини таъминлаш, кўзда тутилган чора-тадбирлар ижросини доимий назоратда ушлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

Инсон қадрини ун

Бу соҳада умумий ишлаб бўлмайд. Ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашиш лозим. Ижтимоий хизмат тўғрисида йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АНИҚ, МАНЗИЛЛИ ВА ТИЗИМЛИ ИШЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА НАТИЖАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЯПТИ

Бугун жамиятимизда ҳар бир инсон тақдирига алоҳида ёндашиляпти. Бу ҳеч бир фуқаро давлат эътибори, гамхўрлигидан четда қолмаётгани, ёлғиз кексалар, етим болалар, ногиронлар, умуман, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож барча қатлами моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётганида яққол кўриниб турибди.

Ижтимоий ҳимоя жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси. Унинг мутлақо янги тизими яратилгани, ижтимоий ёрдамларнинг аниқ, мақсадли ва манзилли бўлаётгани одамларнинг бу борадаги ислохотларга ишончи, умидини орттирди. Ота-она меҳрига муҳтож, ногирон ва етим болалар билан ишлашда янги тизим жорий этилди.

Ҳар қандай тизим ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, албатта. Жумладан, ижтимоий ҳимоянинг янги тизими устида ҳам узоқ ишланди, атрофлича ўрганишлар қилинди. Давлатимиз раҳбарининг таклиф ва ташаббуслари бунда бирламчи аҳамият касб этди. Чунончи,

Давоми 3-бетда

Бошланғичи 1-бетда

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЧЕГАРАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА



амалга оширилмоқда, бунинг натижасида товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда барқарор ўсишни намойиш этмоқда.

кимё, машинасозлик, логистика, таълим ва туризм соҳаларидаги 13 йirik компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.



2024 йилда Нагоя шаҳрида Ўзбекистон — Япония савдо уйи очилди. Бу Япония томонининг Ўзбекистон билан савдо алоқаларини кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталарининг кўшма мажлислари иқтисодий лойиҳаларни мувофиқлаштиришнинг асосий механизми ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Япония капитали иштирокида 84 та кўшма корхона фаолият юритмоқда, Япониянинг нефть-газ,

Ўзбекистон — Япония муносабатларининг маданий-гуманитар йўналиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йигирма йилдан ортқ вақтдан буён Ўзбекистон — Япония дўстлик жамияти, Фукусима — Ўзбекистон ва Япония — Ўзбекистон уюшмалари фаол ишламоқда. Тошкентда ўрнатилган “Хиросима тинчлик тоши” ва пойтахтимиз марказида барпо этилган Япон боғи ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги мустақам дўстлик рамзига айланган.

Ўзбекистонда япон маданияти фестиваллари, япон киноси намойишлари, гастроллар ва кўргазмалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Японияда ўзбек таомлари ва миллий лойиҳалардан тортиб, мусиқа ва рақс санъатига бўлган маданий аъёнларини кенг намойиш этади. Бундай амалашув икки халқ ўртасидаги дўстликнинг ўзига хос асосини шакллантиради, ўзаро ҳурмат муҳитини яратди ва ўзоқ муддатли ҳамкорликни мустақамлайди.

Замонавий маданий лойиҳалар гуманитар мулоқотнинг ташриф қоғозига айланган. 2022 йил апрель ойида Токиода “Ипак йўли руҳи — дўстлик кўприги” ёрқин тадбири бўлиб ўтди, 2024 йилда эса Япониянинг “Япон марвариди” ансамбли аъёнлари “Бойсун баҳори” фестивалида учинчи ўринни эгаллади.

Таълим гуманитар амалашувининг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан биридир. Ўзбекистондаги 7 та

Тоёхши университетлари билан кўшма лойиҳаларамалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг 400 дан ортқ талаба JDS дастури бўйича стипендияларни қўлга киритди, 2,5 минг мутахассис Японияда амалиёт ўтаб, малака оширди. Амалдаги дастурлар, ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилган, икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорлари форумлари ўтказилмоқда.

Қадимги тарих, археология, шарқшунослик, қишлоқ хўжалиги ва иқлим жараёнлари бўйича кўшма илмий тадқиқотлар қилинмоқда.

Япония Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириши молиявий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш, мутахассислар тайёрлаш ва вакцина билан таъминлашга 60 миллион доллардан зиёд маблағ берилган. Япониялик 100 дан ортқ кўнгилли Ўзбекистонда ишлади, Ўзбекистонлик 200 дан ортқ шифокор Японияда амалиёт ўтади.

Икки томонлама муносабатларда минтақаларо дипломатия тораба муҳим ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда Риштон ва Майдзуру, Тошкент ва Нагоя, Самарқанд вилояти ва Нара префектураси ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилган. Бундай ҳамкорлик доирасида Японияда Самарқанд кунлари ва Нагояда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Японияликларнинг Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиши ортиб бораётгани туфайли туризм соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик фаоллашмоқда. Мамлакатимизга япониялик сайёҳлар оқими изчил ортиб бормоқда. Бунга авиақатновлар кенгайиши, маданий туризмнинг фаол тарғиб қилиниши, қулай инфратузилма ривожлантирилиши ўз хиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистондаги буддавийлик ёдгорликлари — Қоратёпа, Фаёзтепа, Давларзинтепа, Термиз ва унинг атрофидаги ибодатхона мажмуалари япониялик сайёҳларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Япон олимларининг тадқиқот ишлари туфайли ёдгорликлар халқро маданий майдонга олиб чиқилди ва бутун дунёдан сайёҳлар ва мутахассисларни жалб қилмоқда.

Бу йил Осака шаҳрида бўлиб ўтган ЭКСПО — 2025 кўргазмасидаги “Билимлар боғи, келажак жамиятининг лабораторияси” Ўзбекистон павильони япон жамоатчилигининг Ўзбекистонга эътиборининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Мамлакатимиз миллий павильони энг ёрқин объектлардан бири сифатида эътироф этилиб, олтин медал билан тақдирланди. Унинг доирасида намойиш этилган Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг икки мамлакат дўстлигига бағишланган “Самовий рақс” жаҳон премьераси японлар қалбини забт этди.

Давлатимиз раҳбари ўз ташрифи давомида биринчи олий даражадаги саммитда мезбонлик қиладиган “Марказий Осиё — Япония” мулоқоти Ўзбекистоннинг минтақавий устуворликларни тизимга уйғун келадиган форматлардан бири бўлиб, Марказий Осиё мамлакатларининг снсий жишлашув даражаси юксалаётганидан далолат беради.

Мулоқотни ташкил этиш ташаббуси илк бор Япония ташқи ишлар вазири Ерико Кавагучи томонидан 2004 йил 24 августда

Тошкентга ташрифи чоғида илгари сурилган эди. Ушанда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ислохотлар ва иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш, ички минтақавий алоқаларни мустақамлаш, Марказий Осиёнинг қўшни минтақалар ва халқро ҳамжамият билан шериклигини ривожлантириш, минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш устувор мақсадлар қаторида кўрсатиб ўтилган эди.

Бугунги кунда мулоқот ишончли ҳамкорлик, барқарор ривожланишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун барқарор платформага айланган.

Форматни амалий мазмун билан бойитиш мақсадида юқори мансабдор шахсларнинг амалий йиғилишлари, тармоқ идораларининг долзарб учрашувлари ва “Токио интеллектуал мулоқотлари” фаол ўтказилмоқда. 2023-2025 йилларда Токиода энергетика вазири даражасида бўлиб ўтган “Иқтисодий ва энергетика мулоқотлари” алоҳида аҳамият касб этди.

Япониянинг Марказий Осиёдаги инфратузилма ташаббусларини қўллаб-қувватлаши доимо форматнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Япониянинг JISA ва JIBC ташкилотлари транспорт йўлакларини, логистика марказларини, йўл тармоқларини, муҳандислик иншоотларини, аэропортлар ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилишда тизимли иштирок этмоқда. Ушбу лойиҳалар минтақанинг ўзаро боғлиқлигини сезиларли даражада оширади, транзит салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшади ва Марказий Осиёнинг Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа ўртасидаги асосий кўприкларидан бири сифатидаги ролини мустақамлайди.

Рақамлаштириш ва автоматлаштириш соҳасида илгор технологияларга эга бўлган Япония минтақа давлатлари билан фаол таъбир алашмоқда. Ўзбекистон учун ушбу йўналишдаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга: мамлакат АКТ соҳасини жадал ривожлантирмоқда, АТ парклар, технопарклар ташкил этмоқда, рақамли иқтисодий дастурларини ишга туширмоқда, миллий кадрлар тайёрлаш учун япониялик мутахассисларни жалб қилмоқда.

Япония экологик хавфсиз ривожланиш, энергетика ва экологик технологиялар соҳасида аъёнларнинг етакчилардан бири сифатида сабабли экологик кун тартибни ҳамкорликнинг марказий элементи ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳоли сонини бўйича минтақада энг йirik давлат ва асосий транспорт-логистика марказларидан бири сифатида мулоқот кун тартибни шакллантиришда алоҳида роль ўйнайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон турли соҳаларда янги лойиҳалар ташаббускори сифатида ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йигирма йил давомида мулоқот минтақа мамлакатлари ва Японияга кенг қўламли йўналишларда тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берувчи барқарор ва талаб юқори бўлган шериклик механизми сифатида қарор топди.

Ўзбекистон Президентининг Японияга бўлажак ташрифи ва “Марказий Осиё+Япония” саммитидagi иштироки ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама снсий ҳамкорликни чуқурлаштириш, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, таълим ва илмий алоқаларни мустақамлаш имконини беради. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол позицияси Ўзбекистоннинг минтақавий интеграция ва очик конструктив халқро мулоқотта содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

“Дунё” АА

“ Бу йил Осака шаҳрида бўлиб ўтган ЭКСПО–2025 кўргазмасидаги “Билимлар боғи, келажак жамиятининг лабораторияси” Ўзбекистон павильони япон жамоатчилигининг Ўзбекистонга эътиборининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

“ Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланиб, саноат, энергетика, коммуникациялар, инфратузилма, инновациялар, транспорт ва “яшил иқтисодиёт” соҳаларини қамраб олган. Мамлакатлар ўртасидаги савдо энг қулай режимда амалга оширилмоқда, бунинг натижасида товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда барқарор ўсишни намойиш этмоқда.

агентлиги (JICA) билан миллий тиббиётни ривожлантиришда муҳим қадам бўладиган замонавий лойиҳа — Республика неврология ва инсульт марказини қуриш ва жиҳозлаш учун 150 миллион долларлик қарз битими имзоланди.



олий ўқув юртида 2,5 мингдан зиёд талаба япон тилини ўрганмоқда. Мамлакатда Япон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Япония маркази, Япониянинг JDS стипендияли ривожланиш дастури, Токио, Нагоя, Цукуба, Кеё ва

ТОШКЕНТ МИНТАҚАНИНГ ЕТАКЧИ ТАРАҚҚИЁТ МАРКАЗИГА АЙLANAДИ

Муносабат

Тошкент бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақанинг етакчи тараққиёт марказига айланаётган, салоҳияти, маданияти ва цивилизацияси билан жаҳон сахнасидаги мавқеини тобора мустақамлаётган замонавий мегаполисдир.

Қадимий кентимиз 2200 йиллик шонли тарихида ҳеч қачон бундай юксак маком ва камолотга эришмаган, десак асло муболага бўлмайди. Булар шунчаки баландларвоз гап ёки субъектив мулоҳаза эмас, балки аниқ рақамлар ва кузатишлар билан тасдиқланган таҳлил натижалари. Бу таҳлилларни тўлиқ аниқлаш учун пойтахт ҳаётининг охириги 30 йиллик ривожланиш босқичига назар солиш кифоя.

Биргина мисол: пойтахт учун энг оғир муаммо уй-жой билан таъминлаш эди. Бу масала ўзоқ йиллар давомида ечимли қолмади, одамларни чарчатаётганди. Шу маънода, 2016-2024 йилларда Тошкентда 120 мингдан ортқ янги хонадон фойдаланишга топширилгани аниқлашлар кўламининг ўзига хос ифодаси бўлди.

Ушбу ўзгаришлар фақат қурилиш билан чекланиб қолмади. Пойтахтнинг иқтисодий муҳити ҳам тубдан янгиланди. Масалан, Тошкент шаҳрининг янги худудий маҳсулотини ҳажми бир пайлар 37 триллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 252 триллион сўмга етди. Эътиборлини, йил якунига қадар ушбу рақам 344 триллион сўмдан ошиши кутилмоқда. Умуман олганда, сўнгги тўққиз йилда 9,2 баробар ўсиш қайд этилди. Бу эса шунчаки иқтисодий ўсиш эмас, балки пойтахт аҳлининг ҳаёти аввалгидан 9,2 қарра яхшиланигандан далолат беради.

Кунги кеча Президентимиз иқтисодий-иқтисодий ислохотлар жараёни билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иш-тирокида белгилаб олиш учун Юнусобод туманига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари туманда барпо этилган йirik қувватли когенерация станцияси фаолияти билан танишиди. Шунингдек, Президентимизга куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича қилинган ишлар ва иссиқлик марказларини ривожлантириш, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш, пойтахтда обдонлаштириш ишларини тақомиллаштириш бўйича тақдимотлар қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари раислигида Тошкент шаҳрини иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва муносиб яшаш шароитини яратиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда, аввало, пойтахтда бажарилган ишлар



Дурдона РАХИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари

сарҳисоб қилинди. Сўнгги йилларда шаҳарда улкан ўзгаришлар рўй бергани таъкидланди. “2026 йил Тошкент шаҳри учун “Жадал ривожланиш ва аҳоли дарамадлари ўсиши” йили бўлади. Бу йил рўёбга чиқариш бўйича катта дастур амалга оширилади”, деди Президентимиз.

“ Бугун пойтахтда 75 та мактаб ва шунча боғча, 23 та спорт объектга эҳтиёж бор. Айни пайтда болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамрови 81,2 фоиз. Президентимиз берган топшириқлар ижроси таъминланади, бу кўрсаткич 100 фоизга чиқади.



Кейинги йилларда жамоат транспорти қатнови яхшиланиб, янги ва қулай автобуслар харид қилинди. Пойтахт метроси ҳам кенгайтирилиб, янги йўналишлар йўлга қўйилди. Жумладан, ер ости ва ер усти метрополитени линияларининг умумий узунлиги 70,5 километрга етказилди. Бекатлар сони 29 тадан 50 гагача етди. Метро бир кунда 900 минг йўловига хизмат кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, автотурагҳоларни тартибга солиш, пнедалар худудини кенгайтириш, йўл ҳаракати устидан маъмурий назоратни қулайтириш чоралари қўрилмоқда. Албатта, бу каби ўзгаришлар инфратузилма яхшиланиши, жамоат транспорти ривожланиши ва интеллектуал бошқарув тизимлари жорий этилиши, энг аввало, аҳолининг тез, хавфсиз ва қулай ҳаракатланишига хизмат қилади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бу йўналишда ҳам олдимизда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар борлигини қайд этди ва бунга қатор ечимлар кўрсатди. Хусусан, энди йirik мегаполислар каби пойтахтда ҳам транспорт тизимини янги ёндашув асосида бошқарадиган марказ фаолияти йўлга қўйилди. Бу марказ ҳар бир кўча, ҳар бир чорраҳада транспорт ва пнедалар оқимини сунғий

интеллект ёрдамида таҳлил қилиб, тирбандлик ва йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш билан шуғулланади.

Келгуси йили пойтахтга киришдаги 2 та назорат пости шаҳар ташқарисига кўчирилди, 3 таси реконструкция қилинади. Бу ерларда қамида 3500 та юк машинаси ва 5500 та енгил автомобиль учун турагҳолар ҳамда аҳоли учун кемпинглар барпо этилади. Асосийси, бу нуқталар жамоат транспорти тармоғи билан боғланади.

Яна бир муҳим янгилик. Келгуси йилда Тошкент шаҳрида янги тизим жорий қилинади, “маҳалла еттиллиги” тўлиқ шаҳар ҳокимлиги иқтиёрига ўтади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгашига орттириб бажарилган даромаднинг маҳаллий бюджетга қайтарилганидан қисмидан 20 фоизини туманларга тақсимлаш ваколати берилди.

Қисқаси, Президентимиз Тошкент шаҳри бошқа шаҳар ва туманлар учун намуна бўлишда ҳам олдимизда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар борлигини қайд этди ва бунга қатор ечимлар кўрсатди. Хусусан, энди йirik мегаполислар каби пойтахтда ҳам транспорт тизимини янги ёндашув асосида бошқарадиган марказ фаолияти йўлга қўйилди. Бу марказ ҳар бир кўча, ҳар бир чорраҳада транспорт ва пнедалар оқимини сунғий



Бугуннинг гапи

УЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ДОИМ ЭЪТИРОФДА

3,5 МИЛЛИОН МЕҲНАТКАШ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА ҚЎШЯПТИ

Авваллари далада кетмон кўтариб, ер чопган одам борки, деҳқон, каттарок ер эгаси эса фермер саналаверарди. Ҳозир “деҳқон” сўзи деярли ишлагилмай қолди. Энди ер эгалари агродабиркор, кластер эки фермер хўжалиги раҳбари каби замонавий номлар билан аталяпти. Соҳа вакилларининг фаолияти, ёндашуви, иш йўналиши ҳам шунга мос. Умуман, янги Ўзбекистонда анъанавий қишлоқ хўжалиги ўрнини илм-фан ва илгор технологияларга асосланган замонавий тизим эгаллади.

Натижада мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги аҳоли турмушини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий ривожланишда энг муҳим тармоқлардан бирига айланди. Кейинги йилларда дунёда кечаётган мураккаб иқтисодий ва экологик вазиятга қарамай, катта натижаларга эришилмоқда. Хусусан, жорий йил пахтачиликда 875 минг гектар ердан 4 миллион тоннага яқин ҳосил олиниб, пахтада ўртача ҳосилдорлик илк бор 46 центнерга етган. Ғаллакорларимиз эса 8 миллион 400 минг

ларимиз 80 дан зиёд давлатга экспорт қилинган сўзимиз исботидир. Давлатимиз раҳбари шу йил 13 декабрь куни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига байрам табриги йўлади. Соҳа фидойиларининг хизматини эътироф этиб, миннатдорлик билдирди. Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармони билан соҳада алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ходимларига фахрий унвон, орден ва медаллар берилди.

Фермернинг қаноти — техника

Ер билан тиллашган одам тупроқ каби қамтар, хокисор бўлади. Даромади қанча ошса-да, эл дастурхонини обод қилиш, халқ фаровонлигига ҳисса қўиш мақсадида интилаваради. Суҳбат орасида ўзи бир неча давлатда бўлгани, саёхатларга чиқётгани, фарзандлари нуфузли олий таълим муассасаларида ўқитганини айтганида ҳам хаёлида мақтанми бўлмайди. Аммо ҳосилдорлиги бу йил каррасига ошгани, ишларни замонавий техникалар бажарётгани, иш жараёнида илгор технологияларни қўллаётгани ҳақида оғзини тўлдириб гапирарди. Қилаётган ишдан фахрланади.

Турсунпўлат РАЖАБОВ, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги “Сафаробод боғи” фермер хўжалиги раҳбари, “Жасорат” медали соҳибчи:



— Бу йил ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам зўр бўлди — 470 гектардан ортиқ майдондан 600 тонна ғалла, 2000 тоннадан зиёд пахта ҳосили олдик. 30 тоннадан ошқ гўшт маҳсулоти, 2,5 тоннадан қўпроқ асал, 100 тоннага яқин узум, анорни бозорга чиқардик.

Олдинлари меҳнатни қилаверардик, даромадни олишга келганда сарсон бўлардик. Сентябрда пахта топширсак, келгуси йили августгача пулини ололмадик. Шунинг учун 2017 йилгача бизга пахтанинг нави ҳам, ҳамжи ҳам аҳамияти бўлмаган, режани бажарсак бўлди, деганми. Ҳозир даромад ўзимизники бўлгани учун ҳосилдорликни мутасилла ошириб боришга интиляпмиз. Энг яхши навларни етиштириб, илгор технологияларни қўллаяпмиз. Мўл ҳосил олиш учун замонавий техникалар керак. Ер яхши текисланмаса, ўз вақтида шудгорланмаса, ҳосил чўғи юқори бўлмайди. Бу ҳам даромадга бориб тақалади. Олдинлари манаман деган бой фермер ҳам бирор замонавий техникани базўр сотиб оларди.

Игирма йилдан буён фермерлик билан шугулланаман. Ишни 10 гектар ерга ғалла экишдан бошлаб, кейинги йили 3 гектарга пахта эканми. Ушанда ердан бошқа нарсамиз бўлмаган. Бу ер ҳам Қизилтепа марказидан 70 километр узоқда жойлашгани боис, одам бориши қийин, тупроқнинг ҳосилдорлиги ҳам жуда паст эди. 2017 йилгача битта техника олган бўлсам, ўшанинг ҳам пулини тўлашга қийналиб, қайтиб техника олмайман, деганман.

Фермер хўжалигимиз фаолиятининг янги даври 2017 йилдан кейин бошланди. Айни шу вақтдан замонавий кластер тизими жорий этилиши тўғрисида ҳаётдан ўзарди: фермерларнинг елкасига шамол теғди, косаси оқарди. Мен буни доим миннатдорлик билан тилга оламан. Мана шу кластер тизими сабаб даромадимизга

2010-йиллари фермер янги ерни ўзлаштириш у ёқда турсин, ўзининг ерини эплотмасди. Ҳозир қаранг: янги ерларни ўзлаштиряпмиз. Шунинг ўзидек ихлоотлар самарасини яққол кўрсатиб беради. Баъзан 500 ёлланма ишни ишлатиб, ҳақини кунма-кун тўладик. Бу ҳам имкониятларимиз салмоғини кўрсатадими? Отам ҳар доим дуо қилганида: “Бу имкониятларнинг қадрига етишлар, ўғлим. Бутунгидек шароит бўлмаганида, бизлар ҳам биздек қийинчиликда яшаган бўлардинглар”, дейди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни муносабати билан Президентимиз фармонига биноан “Жасорат” медали билан тақдирланганини эшитиб, қанчалик тўлқинланганими сўз билан ифодаб беролмайман. Барча маҳалладошлар

бўлмайпти. Буни сизнинг мисолингизда ҳам кўряпмиз”, дейишти.

Айниқса, “Жасорат” медалини кўксимга давлатимиз раҳбарининг ўзи таққани ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди. Мукофотни қабул қилиб олаётганимда, “Турсунпўлат, биламан, сен қаттиқ ишлайсан. Бундан ҳам қаттиқ ишлаб, насиб бўлса, янги марраларга етавергин. Мен сенга шундай медаль, ордениларни бераверман”, деганидаги ҳаяжоним ва таассуротларимни тасвирлаб беролмайман. Ахир давлат раҳбари билан кўришиб, шундай илқ гапларни эшитиш ҳар кимга ҳам насиб қилмайди-да!

Оддий фермерман. Доим ҳалол меҳнат қилишга интиламан. Қизилтепа тумани азалдан чўл ҳудуд бўлган. Ана шу жойлар энди чўл



рим хонадонимизга келиб, ҳавас билан табриқлади. Ота-онам қийинчилик кўргани, оиламиз бир пайлар қандай қунарли билдан ўтказганини бутун маҳалла-кўй яхши билди. Шулар ҳақида ўйладим, бутун янги Ўзбекистонда илгор фермер бўлиб, юртимиз тараққийига ҳисса қўшаётганимдан фахрландим. Мукофот барча маҳалладошларимнинг кайфиятига кўтаринчилик бағишлади. “Бутун меҳнат қилган одам кам

бўлмасин, боғу бўстонга айлансин деган мақсада Сурхондариёдан 10 мингта арча кўчати олиб келиб ўтқаздик. Пахта ва ғалла ҳосилдорлигини бир неча баробар оширдик. Тумандан 5 километр ариқни бетонлаштириб, сув йўқотишларини олди олинди. Бундай хайри ишларни янада куч-ғайрат билан давом эттирамиз. “Жасорат” медали мени янги-янги мақсадларга ундовчи улкан ишонч белгисидир.

Пиллачиликда иккинчи мавсум ҳам йўлга қўйилди

Пиллачилик қишлоқ хўжалигининг гўёки сезилмас, аммо муҳим тармоқларидан. Бу Ўзбекистон тўқимачилик саноати учун энг зарур хомашё вазифасини ўтайди. Қолаверса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Азалдан молларимиз пилла курти боқиб, хонадон даромадига ҳисса қўшган.

Мананганлик Манзура Раҳимова 30 йилдан бери пиллачилик билан шугулланади. Аввал-

лари пилла боқувчи сифатида оила аъзоларига кўмаклашган бўлса, кейинчалик шу йўналишга маҳкам тутиб, бошқаларни иш билан таъминлаш бошлади. Жорий йилги пилла етиштириш мавсумида у яшаётган Норин туманида 4000 дан ортиқ ишчи шу йўналишга жалб қилиниб, бандлиги таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни муносабати билан тақдирланганлар орасида Манзура Раҳимованинг ҳам номи бор.

Манзура РАҲИМОВА, Наманган вилояти Норин туманидаги “Норин агропилла” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибчи:



— Тўғриси, бу мукофот мен учун қутилмаган эътироф бўлди. Туманимиз ҳокими бу ҳақида эълон қилиб, табриқлаганида, биринчи бўлиб дадажонимиз эсладим. У бизни ҳамisha ҳалол меҳнат қилишга, тўғриси бўлишга ўргатди. “Бировнинг дилини оғритма, тўғри бўл: ҳақиқат эгилади, буқилади, лекин синмайди”, деган насиҳатни кўп айтарди. Биз ана шу ўғитларга амал қилиб яшаймиз. Дадам ҳаёт бўлганида, мен билан фахрланган бўларди.

Кўксимга тақдирланган ордени билан, биринчи навбатда, тўғри 75 ёшли онажонимнинг олдида бордим. Мени ўқитиб, тарбиялагани учун раҳмат айтиб, кейин уймага кетдим. Бу жараёнлардаги ҳаяжоним, таассуротимни ифодаб беролмасам керак.

Болаликдан ипак курти боқиб катта бўлганми. Машаққати оғир иш эди. Куртларга озуқа учун тут барги келтириб, солиб чиққунча кун кеч бўларди. Чунки барг қидириб узоқларга боришга тўғри келарди. Ҳозир тутзорлар яқин жойда, озуқа топши ҳам муаммо эмас. Пилла етиштириш замонавийлашиб борапти. Ипак куртини плёнка остида боқамиз. Бу озуқа сарфини анча тежайди.

Пилла парваршидан кўриладиган моддий манфаатдорлик ҳам ошган. Авваллари пиллакор овозина ўтти ёки ғалла учун пилла боққан. Ҳозир топширилган ҳар бир килограмм учун тарози устида хизмат ҳақи берилди.

2025 йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва соҳада меҳнат қилаётган агродабиркорлар учун анча сармаҳсул ва баракали бўлди. Келгуси йил учун белгиланган вазифалар, кўзланган мақсадлар бисёр. Давлатимиз раҳбари байрам табриқига улурга алоҳида тўхтади. Меҳнаткаш, танти, фидойи миришкорларимиз эса уларни бажариш режасини ҳозирдан бошлаяпти.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ёшлар — келажакимиз

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни муносабати билан мукофотланган бир гуруҳ юртдошларимиз орасида таянч докторант Акбарали Турдиев ҳам бор. Давлатимиз раҳбарининг кўксига “Келажак бунёдкори” медалини тақиб қўйди. Илгит эса ёруғ юз, кўтаринки рух билан қилган ишлари ҳақида қисқача гапириб берди. Унинг эртанги кунга умид, ёруғ келажакка ишонч-ла ёниб турган кўзлари, дадил сўзлари янги авлод вакилларига хос бўлди.

Акбарали айни пайтда замонавий технологиялар жамият тараққийотининг асоси, инновацион ёндашувлар, илгор гоялар ва илм-фан ютуқлари асосий ҳаракатлантурувчи кучга айланганини чуқур хис қилади. Шунингдек, технология ривожланиш жараёнида энг муҳим тамойиллардан бири юртга садоқат, ватанпарварлик эканини яхши билади. Унинг наздида технология воситасида эришилган ҳар қандай ютуқ, агар у халқ фаровонлигига хизмат қилмаса, қадр топмайди.

Ясаб, мустакил равишда тажриба ўтказишга иштиёқманд эди. 9-10 ёшларидаёқ мураккаб муаммоларга амалий ечим топишга ҳаракат қиларди. Масалан, электр энергияси тез-тез узилиб қолган пайтлари оддий телефон қувватлагичи асосида автоматик ёндашган чироқлар ясаб, оиласи ва яқинларига ёрдам берган.

Ижодий интилишлари эътиборга тушган кезлари “Маҳалла — менинг тақдиримда” танловида 2-ўринни эгаллаб, планшет билан мукофотлангани ёш ихтирочини руҳлантириб юборди. 2016 йилда илк бизнес гоясини ишлаб чиқиб, “Ташаббус — 2016” танловига тақдим этди ва “Ёш тадбиркор маҳсулоти жаҳон бозорига” номинацияси бўйича гولىб бўлди. 2017 йилда Акбарали Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ миллий тадқиқот университети)га энг юқори балл билан грант асосида қабул қилинди. Бундан сира ховлиқиб кетмади. Аксинча, ўқиш давомида ҳам ота-онасидан моддий кўмак олмасликка қарор қилди. Дарслардан сўнг юк ташиш, кундалик меҳнат орқали топган маблағ билан инновацион лойиҳаларини молиялаштириб борди.

Илк инновацион қадам

2018-2019 йилларда Акбарали биринчи прототип лойиҳаси — Smart Drip Irrigation System — ақли томчилатиб сугориш тизимини тақдим этди. Айни лойиҳа ҳам 2021 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказилган “Inpoveek — Techpovees” марафонидан 1-ўринга лойиқ топилди, уни молиялаштириш учун 30 миллион сўм ажратилди. Кейинчалик тақомиллаштирилган, 420 минг АҚШ доллари

ҲАР ҚАНДАЙ БУНЁДКОРЛИҚДА ВАТАН МЕҲРИ БЎЛСА...



кунни — 2019” доирасидаги танловда 1-ўринга муносиб кўрилди.

Шундан кейин жамоаси билан бирга астойдил ишга киришган қаҳрамонимиз қишлоқ хўжалигига Smart Drip Irrigation System — ақли томчилатиб сугориш тизимини тақдим этди. Айни лойиҳа ҳам 2021 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказилган “Inpoveek — Techpovees” марафонидан 1-ўринга лойиқ топилди, уни молиялаштириш учун 30 миллион сўм ажратилди. Кейинчалик тақомиллаштирилган, 420 минг АҚШ доллари

эвазига молиялаштирилган ақли сугориш тизими ҳозир Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудига амалиётга жорий этилган.

Экологик тоза электр трактор ва МТУ35

Ақли томчилатиб сугориш технологиясида манфаатдор одамларнинг ижодий фикрлари энди Акбаралини янада йирикроқ ва техник

жиҳатдан мураккаброқ лойиҳага ундиди. Натижада 2023 йилда HETA — ҳайдовчисиз электр трактор агрегати лойиҳасига асос солинди. Бу нафақат технологик янгилик, балки деҳқонлар, фермерлар ва агросаноат соҳаси учун муқобил ечим ва катта имконият бўлди. Унинг энг катта афзалликларидан бири — тўлиқ электр энергиясида ишлаш ва оддий дизель тракторларига нисбатан 80 фоизга яқин иқтисодий самарадорлик кўрсатишидир. Бу атропо-муҳитга зарарсиз ишлашдан ташқари, ёнилги ҳаражатини кескин қамайтиради.

НЕТА кўлаб халқаро конференциялар ва нуфузли анжуманларда тақдим этилиб, қатор инвесторлар ва ташкилотлар эътиборини қозонди. 2025 йилга келиб, лойиҳа техник ва функционал жиҳатдан янада тақомиллашди. Унинг асосида яна бир янги авлод курилмаси — МТУ35 (миллий тадқиқот университети ва тракторнинг 35 от кучига эга техник куч) кашф этилди. Ушбу кашфёт экологик тоза, гибрид электр қувват тизими, ҳайдовчисиз юриш имконияти, масофадан бошқарув (12 километргача радиусда бошқарилиши мумкин), замонавий дизайнга эга. 2022 йилда ишлаб чиқилган МТУ35 қилиб бирор инвестор томонидан молиялаштирилмаган. Барча техник ишланмалар, йиғиш, синовлар ва тақдимотлар университет ва жамоанинг сый-ҳаракати эвазига амалга оширилган. Шунингдек, олийгоҳ томонидан техник базалар, лабораториялар ва илмий раҳбарлик борасида мунтазам ёрдам бериб келинмоқда.

Бу йил Ёшлар кунни муносабати билан ўтказилган тадбирда давлатимиз раҳбарига МТУ35 ҳақида маълумот берилди. Учрашувда лойиҳага ижодий баҳо берилган Акбарали ва шогирдларига кўтаринки кайфият бағишланди. Жамоанинг эндиги мақсади — халқаро инвесторларни жалб этиш, МТУ35 ни оммавий ишлаб чиқариш ва глобал қишлоқ хўжалиги техникаси бозорига чиқриш. Зеро, ушбу лойиҳага ҳозир бир неча йиллик халқаро ташкилот қизқиши билдирмоқда. Бу тез орада реал молиялаштириш ва экспорт имконияти очилиши мумкин, дегани.

Муножат РАҲИМЖОН қизи, журналист

Сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланиши жаҳондаги глобал ўзгаришларнинг етакчи омилларидан бирига айланиб улгурди. Уни иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жорий этиш ҳеч бир давлат учун инновацион устулик эмас, балки рақобатбардошлик, самарали давлат бошқаруви, аҳоли турмуш сифати ва янгиликлар суръатини белгилаб берувчи ҳаётий эҳтиёжга айланди.



БЕШ МИЛЛИОН СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЕТАКЧИЛАРИ

Космик саноатда сунъий интеллект космик аппаратларни автоном бошқариш, ер юзи тасвирларини қайта ишлаш ва илмий маълумотларни таҳлил этишда муҳим воситага айланмоқда.

Лойиҳани ишга тушириш маросимида давлатимиз раҳбари "Ишонманки, "5 миллион сунъий интеллект етакчилари" дастури келгусида иқтисодиёт драйверига айланиб, мамлакатимизнинг жадал тараққиёти учун шиддат бағишлайди", деди.

Ушбу дадил қадам Ўзбекистоннинг рақамлаштириш йўлидаги муайян амалиётлардан оммавий, инклюзив ва рақамли тараққиётга ўтганини аңлатади. Бу эса, ўз навбатида, интеллектуал технологиялардан самарали фойдалана оладиган жамиятни шакллантиришга қаратилган стратегик йўналишдир.

Шубҳасиз, бундай дастурлар мамлакатимизнинг глобал инновацион иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз 1 декабрь куни соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва космос соҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича қилинаётган ишлар тақдими билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг октябрь ойида қабул қилинган "Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга тўғрисида"ги фармони ва "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан юртимизда бу борада зарур инфратузилма барпо этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилди.

Хусусан, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш учун зарур ҳисоблаш инфратузилмаси барпо қилинмоқда. Жумладан, АКШнинг "Nvidia" компанияси билан ҳамкорликда суперкомпьютер кластерини ишга тушириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

— Йнгилишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рақамлаштирилганлик ҳолати ва соҳага сунъий интеллектни жорий этиш масалалари кўриб чиқилди, — дейди соғлиқни сақлаш вазирни ўринбосари Олим Оминов. — Тиббиёт соҳасида сунъий интеллект бўйича 5 та лойиҳа жорий қилинмоқда. Инсуль, кўкрак саратонини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш орқали диагностика вақти 80 фоиз тежалди, ҳаёт учун хавфли ҳолатлар барвақт аниқланмоқда. Шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида диагноз қўйиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида янги диагностика тизимларини жорий этиш режалаштирилган. Бу тизимлар жижир, ўпка ва простата бези саратони, инфаркт ва мураккаб суяк синишларини аниқлашда тиббий суратлардан фойдаланишни назарда туттади.

Мазкур лойиҳаларда, биринчи галда, жойлардаги масуллар малакасини ошириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, вазирлик томонидан яратилган ягона платформа — DMED ахборот тизимида барча жараёнларни сунъий интеллект орқали амалга ошириш кўрсатиб ўтилди.

DMED 24 миллион аҳолининг электрон тиббий картасини киритиш имкониятига эга бўлган ягона тиббиёт ахборот тизими ҳисобланади.

Бу модул дори-дармоннинг дозалари ва шакллари ҳисобга олган ҳолда рецептларни электрон шаклда бериш, уларнинг маркировкасини назорат қилган ҳолда сотиш, ҳисобот юритиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда беморлар учун мобил илова орқали рецептлар ҳаракатини кузатиб туриш имконини беради. Шунингдек, аҳоли ва шифокорлар учун мобил иловалар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, қўйилётган ҳар бир қадам, амалга оширилган ҳар бир ислохот, жорий қилинаётган ҳар бир тизим халқимизнинг фаровон ҳаёти ва юрт тараққиётига хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Тараққиёт одимлари



“

танқис, таълим дастурлари катта маълумотлар, робототехникага йўналтирилмаганди.

Кейинги йилларда бу соҳада катта ўзгаришлар бошланди. "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси ишлаб чиқилди. Технологик парклар, замонавий АТ хаблар ташкил этилди. Мутахассислар тайёрлаш дастурлари сезиларли кенгайтирилди. Тиббиёт, таълим, транспорт ва давлат бошқаруви соҳаларида рақамли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон халқаро инновацион лойиҳаларга қўшилиб, сунъий интеллект асосидаги ечимларини ишлаб чиқиш, ёшларнинг

стартлаб ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қарата бошлади.

Пойтахтимизда жорий йил 28 ноябрь куни сунъий интеллект бўйича бўлиб ўтган халқаро форумда Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда старт берилган "Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳаси юртимиздаги ислохотларнинг янги босқичи бошланганидан дарак беради.

Мазкур лойиҳа доирасида 2030 йилга қадар 4 миллион 750 минг ўқувчи ва талаба, 150 минг ўқитувчи ҳамда 100 минг давлат хизматчисини ўқитиш кўзда тутилган. Бунда

лектуал технологиялардан самарали фойдалана оладиган жамиятни шакллантиришга қаратилган стратегик йўналишдир.

Шубҳасиз, бундай дастурлар мамлакатимизнинг глобал инновацион иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз 1 декабрь куни соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва космос соҳаларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича қилинаётган ишлар тақдими билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг октябрь ойида қабул қилинган "Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга тўғрисида"ги фармони ва "Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан юртимизда бу борада зарур инфратузилма барпо этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилди.

Хусусан, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш учун зарур ҳисоблаш инфратузилмаси барпо қилинмоқда. Жумладан, АКШнинг "Nvidia" компанияси билан ҳамкорликда суперкомпьютер кластерини ишга тушириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

— Йнгилишда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рақамлаштирилганлик ҳолати ва соҳага сунъий интеллектни жорий этиш масалалари кўриб чиқилди, — дейди соғлиқни сақлаш вазирни ўринбосари Олим Оминов. — Тиббиёт соҳасида сунъий интеллект бўйича 5 та лойиҳа жорий қилинмоқда. Инсуль, кўкрак саратонини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш орқали диагностика вақти 80 фоиз тежалди, ҳаёт учун хавфли ҳолатлар барвақт аниқланмоқда. Шунингдек, сунъий интеллект ёрдамида диагноз қўйиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида янги диагностика тизимларини жорий этиш режалаштирилган. Бу тизимлар жижир, ўпка ва простата бези саратони, инфаркт ва мураккаб суяк синишларини аниқлашда тиббий суратлардан фойдаланишни назарда туттади.

Мазкур лойиҳаларда, биринчи галда, жойлардаги масуллар малакасини ошириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, вазирлик томонидан яратилган ягона платформа — DMED ахборот тизимида барча жараёнларни сунъий интеллект орқали амалга ошириш кўрсатиб ўтилди.

DMED 24 миллион аҳолининг электрон тиббий картасини киритиш имкониятига эга бўлган ягона тиббиёт ахборот тизими ҳисобланади. Мазкур платформада тиббиёт ходимлари ва фармацевтика компаниялари ўртасидаги аширин келишувларнинг олдини олиш мақсадида "Электрон рецепт" модули ишлаб чиқилган.

Бу модул дори-дармоннинг дозалари ва шакллари ҳисобга олган ҳолда рецептларни электрон шаклда бериш, уларнинг маркировкасини назорат қилган ҳолда сотиш, ҳисобот юритиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда беморлар учун мобил илова орқали рецептлар ҳаракатини кузатиб туриш имконини беради. Шунингдек, аҳоли ва шифокорлар учун мобил иловалар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, қўйилётган ҳар бир қадам, амалга оширилган ҳар бир ислохот, жорий қилинаётган ҳар бир тизим халқимизнинг фаровон ҳаёти ва юрт тараққиётига хизмат қилади.

ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ

ОЛИЙГОҲЛАР ФАОЛИЯТИДА НАМОЁН

Нуқтаи назар

Бугун олий таълимга берилаётган алоҳида эътибор ҳар бир ўқув даргоҳи фаолиятида ўз самарасини берапти. Яъни уларда ёшларнинг билим олиши учун барча шароит яратилапти. Илмий салоҳиятнинг ошириш, халқаро стандартларга мослашишга оид истиқболли лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Фарғона давлат университетида яқунланаётган йил давомида қилинган ишлар бунга яққол мисол бўлади.



Олийгоҳ "QS Stars" баҳолаш тизимида тўрт юлдузга сазовор бўлиб, таълим сифати ва илмий салоҳиятининг халқаро эътирофини тасдиқлади. Ушбу ютуқлар Фарғона давлат университетида амалга оширилаётган янгиланишлар, илмий тадқиқотлар ва халқаро ҳамкорлик самарасини яққол намоён этади.

менторлик тизими, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш механизмлари ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширмоқда.

Олий ўқув даргоҳимизни ўтган йили 7845 талаба тамомлаб, бакалавр дипломинини олди. Улар бугун ҳаётдан мамнун. Эртанги кунга дадил қадам қўймоқда.

— Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт йўналишини муваффақиятли тамомладим. Устозларимиз нафақат ўқув жараёнида, балки ҳаётда ўз йўлимизни топишимиз, ишла бўлишимизда ҳам чинакам йўл кўрсатувчи вазифасини бажарди, — дейди Хуснидабону Маҳмудова. — "Устоз-шоғирд" аънаси туғайли билми олиш билан бирга касбий кўникма, ҳаётий тажриба орттирдик, энг асосийси, келажакка ишонч билан қарашни ўргандик. Ҳозир Фарғона шаҳридаги "Platon School" хусусий мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси бўлиб ишлайман. Шу билан бирга, билимимни чуқурлаштириш, илмий изланишларимни давом эттириш мақсадида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси мутахассислиги бўйича магистратура босқичига ўқишга қабул қилиндим. Бугун таълим тизимидаги ислохотлар ҳар бир ёшга кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Талабалик давримда бундай имкониятлардан самарали фойдаландим. Айниқса, битирувчиларнинг иш билан таъминланишига қаратилган "Долзарб 90 кун" лойиҳаси ҳаётим мактаб бўлди. Ҳар бир муваффақиятим ортида фидойи устозларим, меҳрибон ота-онам, эл-юртимиз ва давлатимиз ишончи турибди. Бу ишонч оқлаш учун меҳнат қилишда, ўз устимда тинимсиз ишлашда давом этаман.

Университетимизда ўтказилган "Ислохотлар — менинг тақдиримда" ишлар кўриқ-танлови иштирокчиси — талаба Шахризода Комилованинг фикри ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортиди:

"... Янги Ўзбекистонда ҳаётим, орзу-интилишларим, таълим олишим ва келажаким билан чамбарчас боғлиқ ислохотлар рўй бермоқда. Кўҳна тарих шундан далолат берадики, янгилик қилиш, эскича қолип ва андозаларни ўзгартариш ҳеч қачон осон бўлмаган. Ҳар қандай даврда ҳам ё очил, ё пинҳона тўсиқлар бўлади. Аммо бугунги кунимизнинг энг катта ютуғи шундаки, барча ислохотлар марказига инсон қадри қўйилган. Шу сабабли, ўзимни чим маънода қадрлаган, эртанги кунига ишонч билан қарайдиган ёш сифатида хис қиламан.



Нуриддин РАҲМОНОВ, Фарғона давлат университети ахборот хизмати бўлими бошлиғи

Жумладан, жорий йил июль-август ойларида Фарғона вилоятидаги хорижий ва қўшма корхоналарда амалиёт ўташ ҳамда касбий тайёргарлигини ошириш орқали талабалар бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳага қўл урилган эди. Натيجида барча талабалар уч томонлама шартнома асосида белгиланган корхоналарда амалиёт ўтади. Ушбу ташаббус таълим, ишлаб чиқариш ва ёшлар сиёсатини интеграцияловчи самарали модель сифатида шаклланди.

Шунингдек, ҳар ҳафта ташкил этиладиган "Талаба хавфсизлиги куни", "Карьера ва бизнес" марафони, "Келажакка қадам" тадбирлари,

Спорт

— Ўн бир йилдан бери спортнинг трамплиндан сакраш тури билан шуғулланаман. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон чемпиониман, — дейди Айман Оразбоева. — Бизга замонавий, барча шарафга эга гимнастика маркази куриб берилган. Бу ерда келгусида катта мусобақалар ўтказилишини эшитиб жуда қувондик.

ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ — БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ



Гимнастика марказимизда ётоқхона, ошхона ва кутубхоналаримиз ҳам бор, — деб гапга қўшилди яна бир спортчи қиз Нуржамол Бектилова. — Биз спорт билан шуғулланиш баробарида ёнимиздаги мактабда ўқишни ҳам давом эттираемиз.

Ҳа, яқинда Нукусда фаолият бошлаган Гимнастика спорт турларига тайёрлаш маркази ёшларни катта озулар сари бошламоқда. Бу марказ Президентимизнинг 2022 йил 23 декабрь куни "Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўрсатилган вазифаларнинг амалий ифодаси бўлди. Марказ аҳоли ўртасида гимнастикани оммалаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун бу ерда ёш истеъоддорларни топиш, танлаш, саралаш ва профессионал спортчи қилиб тайёрлашнинг янги тизими йўлга қўйилган.

— Мактаб нафақат нукусликлар, балки бутун Қорақалпоғистон учун катта янгилик бўлди. Қурилш ишларига 79,1 миллион сўм ажратилган эди. Шунинг ҳисобига 34х66 метр ўлчамдаги гимнастика зали, 240 ўринли трибуна, VIP зона, ўғил ва қиз болалар ҳамда мураббийлар учун ювиниш-киннинг хоналари, хореография ва тренажёр заллари қурилди. Гимнастика залида бир вақтинг ўзида 120 нафар ёш бадий гимнастика, трамплиндан сакраш ва спорт гимнастикаси билан шуғулланиш имконига эга, — дейди Нукус гимнастика маҳорати мактаби директори вазифасини бажарувчи Улугбек Жуманнёзов.

Гимнастик машғулотлар болаларнинг умумий саломатлигини тиклашда ижобий натижа беради. Муайян ҳаракатларни бажариш танада модда алмашинувини яхшилайдди. Бу эса болалар, жумладан, қизларнинг жисмоний ривожланишига замин ҳозирлайди. Мусуқча ва рақс санъати элементларининг бадий гимнастикада ҳам бўлгани қизларни эстетик тарбиялашда ўзига хос ўрин туттади.

— Ҳозир Қорақалпоғистонда спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, трамплиндан сакраш спорт тури бўйича 22 та спорт таълим муассасасида машғуллотлар ўтказилапти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси спорт вазирни ўринбосари Азамат Қалбоев. — Улардаги жами 190 та гуруҳда 2,5 мингдан ортиқ ёш 84 мураббий бошчилигида шуғулланади. Президентимизнинг 2022 йил 23 декабрдаги қарори асосида гимнастика маркази 4,5 миллиард сўмлик замонавий спорт жиҳозлари ва инвентарлар билан таъминланган.

Яратилган шароит ва имкониятлар сабаб ёшлар орасида гимнастика спорт турларида қизиқиш тобора ортиб борапти. Жумладан, 2024 йилда қорақалпоғистонлик 11 спортчи Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинган эди. Бу кўрсаткич 2025 йилда 16 нафарга етди.


Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Албатта ўқинг!



Таъбир изоҳоти

(“СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ” КИТОБИДАН)

Баъзан масалага юзак қараш натижасида сўз тарихи ва унинг таркиби нотўғри изоҳланади. Сўзчи сўз ҳақидаги фикрларнинг тўғриси нотўғрисида фарқлай олиши керак. Фикр эгаси олим бўлса ҳам, унинг фикрига танқидий муносабатда бўлиб, текширувдан ўтказиш керак. Мана шунга ҳисобга олиб, бу фаслнинг биринчи қисмини сўз ва қўшимчалар тарихига оид янглиш фикрларни тузатишга бағишлаймиз.

Хотинларни фалончи хоним ёки бегим деб аташ одати бор. Бу сўзлардаги “им” қўшимчаси эгаллик қўшимчаси деб тушунилади. У ҳолда нима учун эгаллик қўшимчаси қўшилганда хон билан бек аёл кишига айланади деган савол туғилиши табиий. Ваҳоланки, “хоним” ва “бегим” сўзларидаги “им” қўшимчаси эгаллик қўшимчаси эмас. Қадим туркий тилларда она маъносига “ума” сўзи бўлган. “Бегим” ва “хоним” сўзлари таркибидagi “им” ана шу “ума” сўзининг ихчамлашганидир. Демак, аслида “хоним” “менинг хоним” эмас, хонона ва бегим “менинг бегим” эмас, бек она деган маънода экан.

Туркий тилларда ҳозир ҳам “умай” деган сўз бор. Бу болаларни асровчи хаёлий фариш-таснифат маъвум онани билдиради. Мана шу умай сўзининг ҳам ўша она маъносидagi “ума” сўзига алоқаси бор.

Луғавий маъноси “болалар онаси” деган арабча “уммушибен” деган ибора бор. Бу сўз Мукимийда ҳам бор. Аммо бундаги “ум” сўзи “она” маъносига бўлишига қарамай, туркий “ума”га ўзқош эмас. Бундан ташқари, “уммушибен” “умай”га нисбатан зид маънода қўлланади. Умай болаларни асровчи вужуд деб тушунилади, уммушибен болаларга зарар етказувчи жин ёки дев деб тасаввур қилинади.

Тиббиётда эса “уммушибен” деганда болаларга ҳос тутқаноқ касали тушунилади, яъни тибб илмида бу сўз касаллик номига айланган.

Баъзан йигитлар бир-бирига нисбатан “қиз” сўзини ишлатиб, масалан, “Салимжон менинг қиз ўртоғим”, дейди. Бундаги “қиз” сўзини жинсий маънода тушуниш бор. Аслида эса “қиз ўртоқ” иборасидagi “қиз” сўзи қиз бола деган маънода эмас. Шакли, яъни талаффузи ёки ёзилиши бир хил бўлган сўзлар шаклдош сўзлар ёки омонимлар дейилади. Эски тилшуносларимиз шу маънода жинсдош бўлган “мутажжон” деган сўзни қўллаган. “Қиз” шаклига эга бўлган тўртта шаклдош сўз бор. Биринчиси, “қизмок” феълининг ўзга ва буйруқ формаси “қиз” бўлиб, бу “қизи” шаклига ҳам эга.

Иккинчиси, “ўғил” ва “йигит”нинг зидди “қиз”дир.

Учинчиси, хасис маъносидagi “қиз” сўзи бўлиб, Маҳмуд Қошғарий ўзининг луғатига бунга мисол қилиб “қиз киши сави йўриғли бўлмас”, яъни “хасис кишининг донги чиқмас” деган гапни мисол келтирди.

Тўртинчиси, қийматли ва қудратли деган маънодаги “қиз” сўзидир. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу били” асарига “қиз эрмас бу ялчуқ, кишилик қиз ўл” дейди. “Ялчуқ” одам дегани, “кишилик” одамийлик, инсонлик дегани. Демак, “қиз эрмас бу ялчуқ кишилик қиз ўл” одамнинг ўзи қадри эмас, унинг одамийлиги қадридир дегани. “Салимжон менинг қиз ўртоғим” дегандаги “қиз” сўзи мана шу “қадри” деган маънодаги сўзидир.

Тўғрай қуши баъзан “сўпитўғрай” деб аталади. Бу сўздаги “сўпи”ни, аслида, “сўфи” ёки “сўдий” деб тушуниш керак. Аммо бу қўшининг асл оти “тўғрай”, “сўпи” аниқловчидир. Бу “сўпи”нинг муаззини, яъни азон айтувчи маъносидagi “сўфи” сўзига ҳам, “дарвиш” маъносидagi “сўдий” сўзига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин ҳалқ орасида “сўпи”ни “сўдий” деб тушуниш натижасида тўғрайлар хурофий изоҳ ҳам бор. Бунда тўғрайнинг вижирлаб осмонга кўтарилб тушуниши у худонинг номларини айтиб осмонга қараб учади ва мингта номдан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини айтиб, биттасини билиб айтолмайди, натижада яна ерга қайтиб тушади. Агар мингтинчисини ҳам айтганда худого етишар эди, дейилади ва шу унинг “сўпитўғрай” деб аталишига сабаб қилиб кўрсатилади.

Ҳақиқатда эса “сўпи” сўзининг маъноси “конус”дир. Конуссимон, яъни қуйи қисми кенг бўлиб, юқорига учли бўлиб борган ҳар қандай нарса “сўпи” дейилади. Тасбеҳнинг сўписи ҳам конуссимон бўлгани учун шундай деб аталган. Боши шу шаклга эга бўлган кишини “сўпибош” дейдилар. Агар бирор нарсага конус шакли берилса, “сўпилашти” дейилади. Тўғрайнинг боши сўпи, яъни конуссимон бўлгани учун “сўпитўғрай” дейилган. Бинобарин, бу сўзни ёзишда ҳам “сўпитўғрай” деб “ф” ҳарфи билан эмас, “сўпитўғрай” деб “п” ҳарфи билан ёзиш керак.

Баъзан “эркак” сўзини нотўғри тушуниш натижасида эркак кийимига нисбатан “эркаклар кийими” дейилади. Бу тўғри эмас, албатта.

Чунки ўзбек адабий тилида “эр” сўзи инсонга ва “эркак” сўзи ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. “Эр” сўзи “хотин”нинг, “эркак” сўзи эса “урғочи”, “мода”нинг зиддидир. “Эркак” сўзи баъзи хотинларнинг нутқида эри қамшиш мақсадида ёки уялиб, торғиниб тилга олиш натижасида эрга нисбатан ишлатилади. Буни ҳисобга олиш керак ва “эркак” сўзини инсонга нисбатан ишлатмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Матбуотда, “қайинона”даги “қайин” сўзи “хотин” сўзидан келиб чиққан, “қайинона” аслида, “хотинона” бўлган деган фикр эълон қилинди. Бу фикр ҳам тўғри эмас. Биринчидан, ўзбек тилидаги тарихий товуш ўзгаришларида “ч” товуши “й”га айланмайди. “Д” ва тишора “з” товушлари “й”га ўтиши мумкин. Масалан, ҳозирги “оёқ” сўзи қадим “одоқ” ва “озоқ” шаклларида бўлган. Мазкур “қайин” сўзи ҳам қадимда “хотин” шаклида эмас, “қазин” шаклида бўлган ва унинг маъноси никоҳ натижасидаги қардошлиқдир.

Мазкур фикр муаллифининг иккинчи хатоси шундан иборатки, у “қайинона”, “қайинини” сўзларини ҳисобга олмаган. Агар қайин “хотин” бўлган бўлса, демак, қайинота “хотинота” ва қайинини “хотинини” бўлган бўлади. Ҳақ бу ушунда сўз ясамайди. Кўёв келинини, келин кўёвини, масалан, балогатга етмаган укасига, агар соғ бўлса, “хотин ука” деб муражаат қилмайди. Телбаларнинг сўзини эса ҳалқ ўзи тилига киритмайди.

“Чўпон” деган сўзининг асли “чўббон”, яъни “таёқбон” дегани ва бунда чўпоннинг қўлида доим таёқ бўлиши назарда тутилган деган фикр бор.

Бунда маънога эътибор бермай, сўзининг фақат шаклига қараб хулоса чиқарилган. Ҳолбуки, сўз тараққиётида маъно бирламчи, шакл иккиламчидир. “Чўпон” сўзини, агар маънони эътибордан соқат қилиб, фақат шакл нуктага назардан мулоҳаза қилсак, унинг асли “чўббон” бўлганига шубҳа қилмаймиз. Чунки “чўббон” шаклан “чўпон”га энг яқин сўз бўлиб туялади. Аммо маънони ҳисобга олсак, нима учун ота-боболаримиз кўйибони таёқбон деб атаган деган савол туғилади ва бундан улар қўйдан таёқни фарқламаган деган жавоб вужудга келади.

Аммо гап шундаки “чўпон” сўзининг эски адабий шакли “шўбон” бўлиб, бу сўзнинг “чўб” сўзига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Навоий ва бошқа классикларимиз “қўйчи” сўзини ва унинг маъносидagi сифатидagi “шўбон” сўзини ишлатди. Бунинг “бон” қисми “боғбон”, “посбон” каби сўзларда ҳам бор бўлиб, қаровчи маъносидagi касб эгасини билдиради. “Шў” қисми эса қадимги афрон тилида “фшў” шаклида бўлиб, қўй деган маънода бўлган. Ҳозирги русча “овца” сўзи, пуштунча “псай” сўзи, инглизча “шип” сўзи “фшў” сўзи билан умумий манбага эга. Шундай қилиб, “чўпон” сўзи чўббон, яъни таёқбон эмас, “шўбон” (қўйбон), яъни қўйчи деган сўздан келиб чиққан экан.

Ҳозирги форс, дарий ва тожик тилларида қўй “гўсфанд” деб аталади. Демак, “гўсфанд” сўзининг тарихидан беҳабар кишига менинг “чўпон” ҳақидаги гапларим асосиз бўлиб туолиши табиий. Агар “гўсфанд” сўзининг ҳам туб маъносини билиб олсак, шубҳага ўрин қолмайди.

Гап шундаки, “гўсфанд” сўзи аслида қўйнинг ўзига берилган ном бўлмай, унга қўйилган лақабдир. “Гўсфанд”нинг қадимий шакли “гов сипанта” бўлиб, “гов” мол, чорва дегани. Бу сўз русча “говядина” сўзининг таркибидagi ҳам бор. “Гов” сўзи ҳозирги эрон тилларида ҳам бор, лекин у ҳозир қорамолга нисбатан ишлатилади. Қадимда бошқа молга нисбатан ҳам қўлланган. “Сипанта” эса эгзу деган маънода бўлган ва ҳозирги оқ маъносидagi “сафед” сўзи ҳам шу “сипанта” сўзининг ўзгарганидир.

Шундай қилиб, “гўсфанд” сўзи фшўга, яъни қўйга берилган “эзу мол” маъносидagi “гов сипанта” деган лақабдан келиб чиққан экан. Бу лақаб кўп қўлланиши натижасида қўйнинг асл оти унутилиб, унинг лақаби асосий номга айланган.

Баъзан “хайратомиз”ни “хайратомуз” шаклида ишлатадилар. Бунинг тўғри шакли қайси ва “омуз” ёки “омиз” нима дегани? Форсча талаффузи “омихтан”, тожикча “омехтан” деган феъл бор бўлиб, маъноси қормоқ, қорши-тирмоқ, аралаштирмоқ, аралашмоқдир. Яна “омухтан” деган феъл ҳам бор бўлиб, буниси аралашмоқ, аралаштирмоқ маъносидadir. “М” товушидан сўнг “и” ёки “э” бўлса, яъни “омихтан” ёки “омехтан” дейилса, аралашмоқ, аралаштирмоқ деган маънода бўлади, агар “и” ёки “э” ўрнида “у” бўлса, ўрганмоқ, ўргатмоқ деган маънода. “Омез” ёки “омиз” бўлса, аралашар, аралаштирар деган маънода, “омуз” бўлса, ўрганар, ўргатар деган маънода бўлади. Бинобарин, “хайратомуз”, эмас, “хайратомиз” деган тўғридир. Чунки “хайратомуз” дейилса, “хайратуртатар” деган маъно чиқади. “Омихта” сўзи ҳам шу феълдан бўлиб, бунинг маъноси аралашган дегани. Шунинг учун “омухта ё”дан кўра, “омихта ё” деган тўғрироқ бўлади.

Энди ғалат таъбир ва нотўғри ибораларга аниқлик киритишимиз лозим. Ўрнига қўйиб яхшилаб хизмат қиламан деган маънодаги



бир ибора бор. Шунинг кўпинча “қамишдан бел боғлаб хизмат қиламан” ёки “хизмат қиламиз” деб айтадилар. Ҳолбуки ҳозирги кўп кишининг қамишдан бел боғлаганини ҳеч ким кўрган эмас. Белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш бор. Мазкур иборода қамиш “маҳкам” сўзининг ўрнига тушган ва шу маънони берадиган бўлиши керак. Маълумки, қамишнинг белбоғи, яъни бўғини жуда маҳкам бўлади. Шунга асосан “Қамишдай, яъни қамиш каби бел боғлаб хизмат қиламан” деган ибора вужудга келган. Қамишнинг, хусусан, шакар-қамишнинг белбоғидан шоирларимиз ҳам ўз маҳбубларининг лабини ёки ширин сўзини мадҳ этиш учун фойдаланган. Масалан, Навоийнинг “Мажолис ун-нафос” асарига берилган Мавлоно Камолдиннинг бир байтида, шоир ўз маҳбубининг лабига ширинликда найшакар, яъни шакарқамиш кўл бўлганини ва бунинг белгиси унинг белининг боғлиқлиги эканини айтган. “Лаб ширин” деганда, асосан, кишининг ширин сўзи назарда тутилади. Мана ўша байт:



Эрнинг қулдур найшакар, эй жон, бел боғлиқ, Гул доғи юзунг бандасидур туңи ямоғлиқ.

Демак, мазкур иборанинг тўғриси “қамишдан” эмас, қамишдай бел боғлаб хизмат қилмоқлик экан.

Яна бир ибора бор. Бу “юрагида ёли бор” деган ибора бўлиб, у аслида юрагида ёлини бор деган шаклдадир. Яъни иккинчи сўз “ёи” эмас, “ёли”дур.

“Ёли” сўзининг маъноси “аланга” бўлиб, буни классик шоирларимиз кўп ишлатди. Масалан, Навоийда: Уртаса шик мени, сўрма сабаб, Қуйса хошок ёлдин, не ажоб



деган сатрлар бор. Мазкур иборанинг тўғриси “юрагида ёлини бор” ва бу ибора “юрагида ўти бор” иборасининг маънодоши экан. Бинобарин уни “юрагида ёли бор” дейиш нотўғри ва кишини чалғитишдан иборат экан. Чунки кишининг юрагида ёл бўлмайди. Ҳатто кўрагида ҳам бўлмайди. Ёл от, эшак, ҳахир каби ҳайвонларда бўлади. Шунинг учун кўрагида ёли бор дейиш ҳам нотўғри. Бунда ҳам ёлини “кўрагида бор” дейиш зарур.

Баъзан “маданий оқартув” деган сўзни эшитиш ёки ўқиш мумкин. Бу бирикма кишига қиз-қи туолади. Бунинг қиз-қи туолиши табиий. Чунки бундаги “оқартув” сўзи ўринсиз тушган. Аслида “маданий оқартув” эмас, “маданият маорифи” дейилса тўғри бўлади ва иборадagi гайритабиийлик йўқолади.

Баъзи шифокорлар “қасал қақирувчи микроб”, “микроб ташувчи ҳайвон” дейдилар. Бу ҳам тўғри эмас, “микробни ташувчи” эмас,

“тарқатувчи ҳайвон”, “қасални қақирувчи микроб” эмас, “кўзғовчи микроб” дейилса тўғри бўлади. Кўпчилик шундай дейди ҳам. “Қасални қақирувчи микроб” дейиш рус тилидаги “звать” билан “вызывать” феълларини фарқламаслик натижасида вужудга келган. “Вызывать” феълнинг кўзгамоқ, вужудга келтирмоқ

ҳолда “художественный” сўзи санъатчиларга, санъатчиликка оид деган маънодадир. “Художественный коллектив” санъатчилардан иборат ёки санъатчиликка оид гуруҳ дегани. Шунинг учун буни санъатчилар ёки санъаткорлар ёхуд санъатчилик гуруҳи, ёки жамоаси дейиш керак. “Художник” сўзининг ҳам туб маъноси санъатчи-дир. У тор маънода қўлланилганда расм-га нисбатан ишлатилади. Аслида, расм-го рус адабий тилида “живописец” деб аталади.

Кейинги пайтда “лутфан таклиф қиламиз” деган ибора ишлатила бошлади. Бу ибора кўринишда гўзалга ўхшаб кўринади. Аммо маъно жиҳатдан “лутфан таклиф” қанчалик тўғри?

Баъзан кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламига мос келмагандай, ибораларнинг эшитилиши уларнинг мазмунига мос келмаслиги мумкин. Бундай сўз ва иборалар ёш шоирларнинг ва олимларнинг нутқида ҳам учраб туради. Масалан, шоирга бирор сўз, олимга бирор термин ёки қолса, уни ўринсиз бўлса ҳам ишлатишдан ўзини тўхтатолмаслиги мумкин. “Лутфан таклиф қиламан” дейиш икки жиҳатдан нотўғри. Биринчидан, “лутф” билан “таклиф” луғавий жиҳатдан бир-бирига зид. Чунки “лутф” деб юмшоқлик ва назокат билан қўлингизга эътибор ёки муомалага айтилса, “таклиф”нинг луғавий маъноси қулфатга солиш, ташвишга қўйишдир. Таклиф қиламан деган гап “қадам ранжида қилишингизни сўрайман” деган гапга мазмунан яқин. Бировни ҳатто зиё-фат ёки базмага чақирган киши муомала одоби билан “сизни лаззат олишга чақираман” демай, “сизни ташвишга қўймоқчиман”, дейди. Лутфан, яъни лутф қилиб сизни ташвишга қўяман, дейиш, албатта, тўғри эмас.

Ҳозир кўнгилнингизга “таклиф” сўзининг ташвишга қўйиш маъноси кўпчилик томонидан ўқилмайди деган фикр келди. Бу тўғри фикр. Чунки кўпчилик “таклиф” сўзини фақат чақирма маъноси билан келдиб ишлатилади. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор бўлиб, бу “лутфан таклиф” иборасининг чақирма одобида зиддидир. Меҳмон қақирувчи киши қақирилувчига, мен сизга лутф қилиб меҳмонликка чақираман деган гапга одобан бўлмайди. Чақирилувчининг кўнгилга “мен сенинг бундай лутфинга муҳтож эмасман” деган фикр келиши мумкин. Аммо қақирилувчи лутфан чақирганингиз учун раҳмат дейиши муомала одоби мувофиқ.

Қорачадан келган кишини баъзан “қорамгаиз” дейдилар. “Қорамгаиз” сўзидagi “мағиз” элементи аслида “менгиз” бўлиб, юз деган маънодадир. “Менгиз” сўзи классик адабиётда кўп қўлланади. Навоий ўзининг “Муҳокама ул-луғатайи” асарига: Қабюлари кенг-кенг, мижалари хор, Менгизлари гул-гул, оғизлари тор деган байти келтиради. “Мижга” — киприк, “хор” — тикан, “менгиз” — юз дегани. Демак, “қорамгаиз” аслида “қораменгиз” бўлиб, қорача юзли дегани экан.

Баъзан зиркни “қорақанд” деб атайдилар. “Қорақанд” сўзининг иккинчи бўлаги аслида, “қанд” эмас, “қат” бўлиб, маъноси бута ва ўсим-ликларнинг мевасидир. Бу рус тилида “агода” дейилади. Зирк қора ва бута меваси, яъни қат бўлгани учун “қорақат” деб ҳам юрталдилар. Смородинанинг “қорақат” деб аталиши сабаби ҳам “қорақат”ники сингаридир. Бириндан бирини фарқлаш учун бирида “қ” сақланган ва иккинчисидagi “к” товуши “ғ” товушига айланган. Натижада бир сўз “қорақат” ва “қорағат” тарзида икки сўзга айланган. Сўнгра ғалат таъбир натижасида “қорақат” “қорақанд”га айланган.

Кейинги пайтларда “бадий ҳаваскорлар”, “бадий ҳаваскорлик жамоаси”, “бадий жамоа”, “болалар бадий жамоалари” деган иборалар эшитилиб турди. Албатта, “бадий” сўзини нутқга нисбатан ишлатиш мумкин, лекин кишига нисбатан ишлатиб бўлмайди. Киши ва коллективга нисбатан “санъаткор” ёки “санъатчи” сўзи қўлланади. Бинобарин, “бадий ҳаваскорлар” эмас, “ҳаваскор санъаткорлар” дейилса, нутқ тўғри бўлади. “Бадий ҳаваскорлик жамоаси” эмас, “ҳаваскор санъатчилар жамоаси” дейилса, таъбир аниқ бўлади “Бадий жамоа” эмас, “санъат аҳли” ёки “санъатчилар гуруҳи” ёхуд “санъаткорлар жамоаси” дейилса, ибора маъноли бўлади. “Болалар бадий жамоаси” эмас, “санъатчи болалар жамоаси” дейилса, маъқулроқ бўлади.

Мазкур нотўғри иборалар қаердан пайдо бўлди деган савол туғилиши табиий. Бу ибораларнинг пайдо бўлишига тажрибасиз таржимонлар сабаби бўлган ва бундай бирик-малар асосан таржима қилинган хабарларда учрайди. Гап шундаки, бепарво таржимонлар русча “художественный” сўзини ҳамма ҳолда “бадий” деб таржима қилверган. Ваҳоланки, “художественный” сўзининг маъноси “бадий” сўзига нисбатан кенгроқ бўлиб, у ўзбекчадаги “бадий” сўздан ташқари яна “санъат”, “санъатчи” ва “санъатчилик” сўзларининг аниқловчи бўлиб келгандай маъносини ҳам қамраб олади.

Ҳудожественный” сўзи, масалан, “художественное произведение”, “мастер художественного слова” деганда “бадий” сўзига тўғри келади. Мазкур жумлалар ўзбекчада “бадий асар”, “бадий сўз устаси” дейилади. Аммо “художественный коллектив” деганда бу сўзни бадий деб таржима қилолмаймиз. Чунки бу

ҳолда “художественный” сўзи санъатчиларга, санъатчиликка оид деган маънодадир. “Художественный коллектив” санъатчилардан иборат ёки санъатчиликка оид гуруҳ дегани. Шунинг учун буни санъатчилар ёки санъаткорлар ёхуд санъатчилик гуруҳи, ёки жамоаси дейиш керак. “Художник” сўзининг ҳам туб маъноси санъатчи-дир. У тор маънода қўлланилганда расм-га нисбатан ишлатилади. Аслида, расм-го рус адабий тилида “живописец” деб аталади.

Кейинги пайтда “лутфан таклиф қиламиз” деган ибора ишлатила бошлади. Бу ибора кўринишда гўзалга ўхшаб кўринади. Аммо маъно жиҳатдан “лутфан таклиф” қанчалик тўғри?

Баъзан кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламига мос келмагандай, ибораларнинг эшитилиши уларнинг мазмунига мос келмаслиги мумкин. Бундай сўз ва иборалар ёш шоирларнинг ва олимларнинг нутқида ҳам учраб туради. Масалан, шоирга бирор сўз, олимга бирор термин ёки қолса, уни ўринсиз бўлса ҳам ишлатишдан ўзини тўхтатолмаслиги мумкин. “Лутфан таклиф қиламан” дейиш икки жиҳатдан нотўғри. Биринчидан, “лутф” билан “таклиф” луғавий жиҳатдан бир-бирига зид. Чунки “лутф” деб юмшоқлик ва назокат билан қўлингизга эътибор ёки муомалага айтилса, “таклиф”нинг луғавий маъноси қулфатга солиш, ташвишга қўйишдир. Таклиф қиламан деган гап “қадам ранжида қилишингизни сўрайман” деган гапга мазмунан яқин. Бировни ҳатто зиё-фат ёки базмага чақирган киши муомала одоби билан “сизни лаззат олишга чақираман” демай, “сизни ташвишга қўймоқчиман”, дейди. Лутфан, яъни лутф қилиб сизни ташвишга қўяман, дейиш, албатта, тўғри эмас.

Ҳозир кўнгилнингизга “таклиф” сўзининг ташвишга қўйиш маъноси кўпчилик томонидан ўқилмайди деган фикр келди. Бу тўғри фикр. Чунки кўпчилик “таклиф” сўзини фақат чақирма маъноси билан келдиб ишлатилади. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор бўлиб, бу “лутфан таклиф” иборасининг чақирма одобида зиддидир. Меҳмон қақирувчи киши қақирилувчига, мен сизга лутф қилиб меҳмонликка чақираман деган гапга одобан бўлмайди. Чақирилувчининг кўнгилга “мен сенинг бундай лутфинга муҳтож эмасман” деган фикр келиши мумкин. Аммо қақирилувчи лутфан чақирганингиз учун раҳмат дейиши муомала одоби мувофиқ.

Баъзан зиркни “қорақанд” деб атайдилар. “Қорақанд” сўзининг иккинчи бўлаги аслида, “қанд” эмас, “қат” бўлиб, маъноси бута ва ўсим-ликларнинг мевасидир. Бу рус тилида “агода” дейилади. Зирк қора ва бута меваси, яъни қат бўлгани учун “қорақат” деб ҳам юрталдилар. Смородинанинг “қорақат” деб аталиши сабаби ҳам “қорақат”ники сингаридир. Бириндан бирини фарқлаш учун бирида “қ” сақланган ва иккинчисидagi “к” товуши “ғ” товушига айланган. Натижада бир сўз “қорақат” ва “қорағат” тарзида икки сўзга айланган. Сўнгра ғалат таъбир натижасида “қорақат” “қорақанд”га айланган.

Кейинги пайтларда “бадий ҳаваскорлар”, “бадий ҳаваскорлик жамоаси”, “бадий жамоа”, “болалар бадий жамоалари” деган иборалар эшитилиб турди. Албатта, “бадий” сўзини нутқга нисбатан ишлатиш мумкин, лекин кишига нисбатан ишлатиб бўлмайди. Киши ва коллективга нисбатан “санъаткор” ёки “санъатчи” сўзи қўлланади. Бинобарин, “бадий ҳаваскорлар” эмас, “ҳаваскор санъаткорлар” дейилса, нутқ тўғри бўлади. “Бадий ҳаваскорлик жамоаси” эмас, “ҳаваскор санъатчилар жамоаси” дейилса, таъбир аниқ бўлади “Бадий жамоа” эмас, “санъат аҳли” ёки “санъатчилар гуруҳи” ёхуд “санъаткорлар жамоаси” дейилса, ибора маъноли бўлади. “Болалар бадий жамоаси” эмас, “санъатчи болалар жамоаси” дейилса, маъқулроқ бўлади.

Мазкур нотўғри иборалар қаердан пайдо бўлди деган савол туғилиши табиий. Бу ибораларнинг пайдо бўлишига тажрибасиз таржимонлар сабаби бўлган ва бундай бирик-малар асосан таржима қилинган хабарларда учрайди. Гап шундаки, бепарво таржимонлар русча “художественный” сўзини ҳамма ҳолда “бадий” деб таржима қилверган. Ваҳоланки, “художественный” сўзининг маъноси “бадий” сўзига нисбатан кенгроқ бўлиб, у ўзбекчадаги “бадий” сўздан ташқари яна “санъат”, “санъатчи” ва “санъатчилик” сўзларининг аниқловчи бўлиб келгандай маъносини ҳам қамраб олади.

Ҳудожественный” сўзи, масалан, “художественное произведение”, “мастер художественного слова” деганда “бадий” сўзига тўғри келади. Мазкур жумлалар ўзбекчада “бадий асар”, “бадий сўз устаси” дейилади. Аммо “художественный коллектив” деганда бу сўзни бадий деб таржима қилолмаймиз. Чунки бу

Алибек РУСТАМОВ, филология фанлари доктори, академик

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71)